

А Ж Р И М

2025 йил сентябрь ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди ўз биносида, очик суд мажлисини ўтказиб, раислик қилувчи судья Т.Б.Тилавов, судья ёрдамчиси Д.Абдуқаҳҳоровнинг котиблигида, тарафлардан Сариосиё туман прокурори ёрдамчиси К.Ҳақимов, Ишназарова Дилдора Абдумуминовнанинг суд ҳукми билан тайинланган қўшимча жазонинг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди.

Маҳкум - Ишназарова Дилдора Абдумуминовна, 1979 йил 30 май куни Сурхондарё вилояти Узун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Узун туманидаги 25-сонли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди, Узун тумани “Серхаракат” маҳалласида яшайди.

Суд, прокурор фикрини эшитиб, 1-1912-2402/110-сонли иш материалларини ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Д.Ишназарова аризада 2024 йил 14 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Узун туман суди томонидан ЎзР ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айбли деб топилиб, ЖКнинг 45-моддалари қўлланилган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланаганлиги, ҳозирда ўталмай қолган қўшимча жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Узун тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг 2025 йил 11 сентябрь кунидаги маълумотномада маҳкум қўшимча жазонинг 10 ой 11 куни ўталгани, 7 ой 19 куни ўталмай қолгани қайд қилинган.

Судда, маҳкум Д.Ишназарова 2024 йил 14 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Узун туман суди томонидан ЎзР ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айбли деб топилиб, ЖКнинг 45-моддалари қўлланилган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижрога қаратилганлиги, ҳозирда қўшимча жазонинг 10 ой 11 куни ўталгани, 7 ой 19 куни ўталмай қолганини, ўзини ва турмуш ўртоғини соғлиги йўқлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, автомашина бошқаришга эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, ўталмай қолган қўшимча жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраб, важларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилди.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 1-қисмида, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги;

3-қисми “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунидаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги №28-сон Қарорининг 9-бандида “Қўшимча жазо қисман ўталганда, суд шахсни қўшимча жазонинг қолган қисмидан тўлиқ ёки қисман озод қилишга оид масалани ҳал этишга ҳақли. Суднинг мазкур масалага оид қарори ажримнинг қарор қисмида баён этилиши лозим.”-, деб кўрсатилган.

Суд, илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Сариосиё туман прокурори ёрдамчисининг фикрини тинглаб, маҳкум Д.Ишназарова келтирган важлари тақдим қилган ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топганлиги учун унинг аризасини қаноатлантириб, ўталмай қолган 7 ой 19 кун барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ўташдан шартли озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, ЖПКнинг 536, 541, 542-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Маҳкум Ишназарова Дилдора Абдумуминовна ўталмай қолган 7 ой 19 кун барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ўташдан шартли озод қилинсин.

Ажрим устидан жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Т.Б.Тилавов

